

"Харидор"нинг мажбуриятлари:

4.4. Ҳз талабномаси бўйича етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиб олади.

4.5. Озиқ-овқат маҳсулотларини мазкур шартноманинг қўшимча қелишувларида кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

**V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ
БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

5.1. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, "Сотувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. пеняни тўлаш "Сотувчи"ни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Харидор" "Сотувчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Қелишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустакил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар қелишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел қелиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча қелишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома Газначилик бўлимидан тасдиқлангандан сўнг кучга қиради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ туғалшанган тақдирда тўхтатилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома 2-(икки) нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

Сотувчи ООО OZIQ OVQAT ULGURJI SAVDO
Манзил : Чортоқ т Ойқирон Бог МФЙ
Р/Сч 20208000105118181001
Банк: Чортоқ туман Халк банки
МФО: 00721 ИНН 306684996 ОКОНХ 71150
Раҳбар: <u>Р. Турғунпулатов</u> (имзо) М.П.

Харидор Чортоқ ___ МТБ _____
Манзил: _____ Чортоқ _____
ИНН 305151394 ОКОНХ 92400
Л/сч _400522860142367091100251035
МФО 00014 Марказий банк Тошкент шаҳри
Чортоқ тумани бўйича Газначилик бўлими
Р/Сч Газначилик 23402000300100001010
ИНН 201122919 МФО: 00014
Банк: Марказий банк Тошкент шаҳри
Раҳбар _____ С Маматвалиев (имзо) М.П.

Юрист

Р. Сайитов

